

Бош муҳаррир:
Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна,
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Джураева Нилуфар Далибаевна,
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Ўтмишга назар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal Look to the past
Международный редакционный совет журнала Взгляд в прошлое

- 1. Кебадзе Мадонна** - Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)
- 2. Бурдиашвили Майя** - Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)
- 3. Кожакеева Ляззат Темирбековна** - тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон Республикаси.
- 4. Сағдуллаев Анатолий Сағдуллаевич** - тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети
- 5. Бобожонова Дилором Бобожоновна** - тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети
- 6. Зияева Доно Ҳамидовна** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 7. Аширов Адҳам Азимбоевич** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 8. Агзамова Гулчеҳра Азизовна** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 9. Халикова Раҳбар Эргашевна** - тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети
- 10. Ишанходжаева Замира Раимовна** - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
- 11. Кобзева Ольга Петровна** - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
- 12. Одилов Аброр Анварович** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 13. Ерметов Аваз Абдуллаевич** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 14. Саипова Камола Давляталиевна** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 15. Джоробекова Айнура Эшимбековна** - тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси.

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица
Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА

- 1. Агзамова Гулчеҳра Азизовна.**
ХОРАЗМ ШАҲАРЛАРИ XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА: САВДОГА
ДОИР АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР.....4
- 2. Ўлжаева Шоҳиста Мамажоновна.**
АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖ-
ЛАНИШИ.....13
- 3. Исакова Муҳайё Сраждиновна.**
XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТДАГИ ТИББИЙ
ЛАБОРАТОРИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИ ТАРИХИДАН.....24
- 4. Юлдашев Бахтиёр Эргашевич.**
ФРАНЦУЗ МУҲАНДИСИ Ф.ЛЕССЕПС ФОЯСИ. (Бир лойиҳа тарихи).....33
- 5. Анаркулов Сайфиддин Муҳитдинович.**
ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЛАРДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОСЛАШУВ
МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ЭТНОЛОГИК ТАВСИФИ.....41
- 6. Абдурашидов Даврон.**
ПРОБЛЕМЫ РАСШИРЕНИЯ ГЕОГРАФИИ ЭКСПОРТА СЕЛЬСКОХОЗЯЙ-
СТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ УЗБЕКИСТАНА. НЕОБХОДИМОСТЬ ОРИЕНТА-
ЦИИ НА ЗАПАД.....52
- 7. Абидова Зайнаб Қадирбергановна.**
ЎЗМА МАНБАЛАРДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ
ЎРИТИЛИШИ (X-XVI АСРЛАР АСРЛАР).....61
- 8. Азизов Аҳрорбек Аъзамжонович.**
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТАСАВВУРЛАРИДА ОТ БИЛАН БОҒЛИҚ
ҚАРАШЛАР. (Дала тадқиқоти материаллари асосида).....69
- 9. Бердимуратов Марат Есемуратович.**
ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМДАГИ ЎТРОҚ ВА КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРНИНГ
ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....80
- 10. Ваисова Нодирабегим Авазовна.**
ЎРТА ОСИЁ ВА ХИТОЙДАГИ СЎҒД ДИАПОРАСИНИНГ ХОРИЖ ТАРИХ-
ШУНОСЛИГИ.....87
- 11. Ёдгоров Шербек Мейлижонович.**
МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИДА
МАМЛАКАТ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ: НОСИРДАН
СИСИГАЧА.....93
- 12. Зарипов Содиқ Жўраевич.**
1905–1911 ЙИЛЛАРДАГИ ЭРОН ИНҚИЛОБИ ВА ГЕРМАНИЯ–РОССИЯ ЗИД-
ДИЯТЛАРИ ХУСУСИДА. (“Туркистон тўплами” материаллари асосида).....113
- 13. Suyunov Azimjon Alisher o'g'li.**
ZAMONAVIY URUSHLARDA NOMUNTAZAM HARBIY BIRLASH-
MALARNING ROLI.....120

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР**

**ХОРАЗМ ШАҲАРЛАРИ XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА:
САВДОГА ДОИР АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР**

Агзамова Гулчеҳра Азизовна,
Тарих фанлари доктори, профессор
ЎзРФА Тарих институти

For citation: Gulchehra A. Agzamova. The cities of Khorasm in the first half of the XVI-XIX centuries: some trade information. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 11, pp. 4-12.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-11-1>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Мақола XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразм шаҳарларидаги савдонинг айрим масалаларига бағишланган. Турли характердаги манбалар маълумотлари асосида савдо ривожининг айрим умумий ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Хива, Хуросон, иқтисодий ҳаёт, шаҳарлар, савдо алоқалари, савдо марказлари, ички ва ташқи савдо, маҳсулотлар, бозор, савдогар.

**ГОРОДА ХОРЕЗМА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XVI-XIX ВЕКОВ:
НЕКОТОРЫЕ СВЕДЕНИЯ О ТОРГОВЛЕ**

Агзамова Гульчеҳра Азизовна,
Доктор исторических наук, профессор
Институт истории РУз.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена некоторым вопросам торговли в городах Хорезма в XVI – первой половине XIX в. На основе сведений разнохарактерных источников показаны некоторые общие и специфические особенности развития торговли.

Ключевые слова: Хива, Хорасан, хозяйственная жизнь, города, торговые отношения, торговые центры, внутренняя и внешняя торговля, продукты, рынок, купец.

THE CITIES OF KHORESM IN THE FIRST HALF OF THE XVI-XIX CENTURIES: SOME TRADE INFORMATION

Gulchehra A.Agzamova,

Doctor of Historical Sciences, Professor

Institute of History of the Republic of Uzbekistan

ANNOTATION

The article is devoted to some issues of trade in the cities of Khorezm in the XVI - first half of the XIX century. Based on information from diverse sources, some general and specific features of the development of trade are shown.

Key words: Khiva, Khorasan, economic life, cities, trade relations, shopping centers, domestic and foreign trade, products, market, merchant.

XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Хива иқтисодий ҳаётининг муҳим соҳаларидан бири савдо бўлиб, мамлакатда ички, ташқи ва транзит савдо ривожланган эди. Хива шаҳарлари тарихининг у ёки бу жиҳатлари акс этган турли тоифадаги манбалар маълумотлари асосида савдонинг ҳолати ҳақида фикр юритиш мумкин. Улар жумласига маҳаллий муаррихларнинг асарлари, сўнгги ўрта асрларда бу давлат ҳудудида келган элчилар, ҳарбийлар, саёҳатчилар, савдогарлар ва турли шахслар томонидан улар тассуротларини ўзида акс эттирган “Сафарномалар”ни киритиш мумкин. Бу тоифадаги асарлар маҳаллий манбалар маълумотлари билан бирга Хива шаҳарларидаги савдонинг ҳолати ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Хоразм шаҳарлари йирик савдо марказлари сифатида кўплаб бошқа узоқ ва яқин мамлакатлар билан кенг савдо алоқаларини олиб борганлар. Буни хон ва муаррих Абулғозихоннинг (XVII аср) Хурсонга жўнаган карвон ҳамда “ўрусға савдоға” кетган “ўн етти киши” ҳақидаги хабари ҳам тасдиқлайди [1, Б.147]. “Фирдавс ал-иқбол” аса-

рида эса 1804 й. “хоразмлик икки юз савдо кишиси кўпгина қиммат-баҳо моллар билан катта карвонни” тайёрлаганликлари, бу карвон Марвдан Машҳадга йўл олгани қайд этилади [2,Б.370]. Хиванинг фаол ташқи савдо олиб борганлигини бошқа маълумотлар, хусусан, Россия билан савдо алоқаларига оид кўпдан-кўп ҳужжатли материаллар ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, Кўҳна Урганч харобаларида сақланган Хитой чинни идишлари қолдиқлари бунинг ёрқин далилидир [3,Б.486]. Бу ердан XVI-XVII асрларга оид Балх ва Бухоро тангаларининг топилиши ҳам бу марказнинг ушбу асрларда қизғин савдо алоқалари олиб борганлигидан далолат беради [4,Б.488].

Хоразм шаҳарларига Астрабоддан ҳам савдогарлар келганлар. Хива хонлари архивидаги ҳужжатга мувофиқ бу ердан Хоразмга мешлар, фаранги дока, шакар, митқол, текин кигизлари, қора мум, норбут дарахтидан тайёрланган тароқлар, темир, чўян қозонлар, мис ва бошқалар келтирилган [5,Б.136].

Кўшни мамлакатларга эса Хоразм шаҳарларидан турли-туман маҳсулотлар, хусусан, “пахта тўнлар, қисман ипак ва қуритилган мевалар” олиб борилган [6,Б.250]. Хива хонлари архиви ҳужжатларидан аён бўладики, Хоразм шаҳарларидан кўшни давлатларга “пахта ва матодан ташқари кўй терилари, узум майизи, гуруч, мешлар, тозаланган пахта, ипак ва бошқа нарсалар олиб борилган [7,Б.131].

Савдо Хоразм шаҳарларининг ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Улар йирик савдо марказларига, жумладан, муайян маҳсулот савдосига ихтисослашган марказларга айланиб борганлар. Хусусан, бундай шаҳарлардан – Шовот ва Кат “киргизлар билан савдо” амалга оширилган асосий марказлар сифатида тараққий этдилар [8,Б.32].

Хиванинг асосий ички ва ташқи савдоси марказлашган шаҳарлардан бири Янги Урганч эди. Бу шаҳарнинг мавқеи XIX а. биринчи ярмида янада ошди. Урганчлик савдогарларни нафақат Бухоро ва бошқа Ўрта Осиё шаҳарлари, балки айрим хорижий давлатлар шаҳарларида, жумладан, Оренбург, Нижний Новгород ва Москвада ҳам учратиш мумкин эди. Хивалик савдогар хонлик ташқарисидаги шаҳарларда “урганчли” номи остида машҳур эди [9,Б.78]. Бу ўринда XIX аср 30-й. Бухорода “учта урганчи” карвон-саройи бўлганлиги ҳақидаги маълумот характерлидир [10,Б.101].

Хива шаҳарлари фаол ташқи савдо олиб борган мамлакат Бухоро эди. Қайд этиб ўтиш лозимки, бухоролик савдогарлар Хивага кам қатнаганлар. Бу савдода асосий фаолликни хивалик савдогарлар кўрсатганлар. Улар Бухорога Н.Петровскийнинг кўрсатишича, “тайёр пўстинлар, зиғир ёғи, кўй думба ёғи, буғдой, гуруч, олма, кўй, кўкнор,

тўтиё ва рус моллари; шакар, чўян қозонлар ... ва бошқаларни” келтирар эдилар [11,Б.236]. Шу билан бирга Бухоро шаҳарлари бозорларига Хоразмдан кўплаб миқдорда от, хўкиз ва туя терилари, XIX а. бошқа бир муаллифи П.И.Демезоннинг кўрсатишича, Бухоронинг юпқа газламаларидан кескин фарқ қилувчи, қирғизлар (қозоқлар — Г.А.) ва хитойликлар сотиб олувчи анча қалин ва чидамли ярим ипак йўл-йўл матолар, олмалар олиб келинар эди [12,Б.81].

Хоразмга XIX асрнинг 20-йилларида келган Н. Муравьев, хивалик савдогарлар мол олиш учун Бухорога бориб, у ердан “турли хилдаги читлар, кўк бўз, пахта калаваси, ипак ва ярим ипак газламаларнинг турли хиллари, кашмир шол рўмоллари, хитой чинниси, чой, ипак белбоғлар, жун маҳсулотлар, (бутун Шарқда энг яхши ҳисобланадиган) Бухоро қорақўли, тамаки ва бошқа турли моллар келтириш”ларини қайд этади [13,Б.92]. Бу маълумотни XIX асрнинг ўрталарида Хивага келган Г.И.Данилевский ҳам тасдиқлайди. У Бухоро шаҳарларидан Хивага кўк чой, тамаки, Хитой чинниси, ипак ва ип газламаларнинг айрим турлари келтирилганлиги ҳақида гувоҳлик беради [14,Б.129].

Хива шаҳарларига Бухородан келтириладиган моллар “бухорочи” деб аталган. XIX а. оид ҳужжатлардан бирида “бухорочи” моллар — чой, тамаки, кишмиш темир, пўлат, ишлов берилган тери, ип ва ипак газламаларнинг турли хиллари, калава, кўрпалар, чинни идишлар, нил бўёғи - индиго, қоғоз, ойна, зира, бузғунч, рўян уруғи кабилар қайд этилади [15,Б.134].

Хива шаҳарларининг Бухоро билан савдоси доимо бир маромда кечмаган. Ҳарбий ҳаракатлар авж олган ва ўзаро курашлар қизиган йилларда савдо пасайиб кетар эди. Буни қуйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. 1845 й. савдогар Пичугин “Хива савдоси Бухоро билан уруш туфайли жуда тушиб кетган”, — деб кўрсатган эди [16,Б.113].

Хоразмнинг турли савдо-иқтисодий марказлари Кўқон хонлиги шаҳарлари билан ҳам савдо алоқаларига эга эди. Хивалик савдогарлар бу хонлик шаҳарларига ҳам қатнаганлар. Албатта бу савдони Хива-Бухоро савдо алоқаларига тенглаштириб бўлмайди. В.В. Вельяминов-Зерновнинг (XIX аср) кўрсатишича, савдо карвонлари ҳар йили бўлмасада, кичик партияларда Кўқондан Хивага қатнар эдилар. Кўқон моллари билан Бухоро моллари каби Хива бозорларида қизгин савдо амалга оширилган. Бу ўринда Хива давлат ҳужжатларида “Беш кийимлик кўқон шойиси”, “Бир кўқон шойи тўни” сотиб олингани ҳақидаги хабар диққатга сазовордир [17,Б.183].

Шаҳарлардаги савдо у амалга ошириладиган жойга қараб бир неча турга бўлиниши мумкин эди. Бунга биргина Хива мисолида амин бўлиш

мумкин. Ушбу шаҳардаги савдони таҳлил этган Л.Костенко уни уч турга бўлиб кўрсатади. Бу – шаҳар майдонларидаги савдо, бозорлардаги савдо ва карвон-саройлардаги савдо. Хусусан, биринчи турдаги савдо шаҳарнинг “Ҳазорасп дарвозасидан дор ўрнатилган қабристонга қадар бўлган” майдонда олиб борилиб, душанба ва пайшанба кунлари шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли томонидан амалга оширилган. Бу ерда моллар анча арзон нархларда сотилган. “Сиз бу ерда энг арзон, лекин шу билан бирга энг керакли моллар: сабзавотлар, гуруч, буғдой, жўхори, беда... мол гўшти, қўй гўшти, кийим-бош ва ниҳоят чорвани учратасиз”, – деб қайд этган эди ушбу муаллиф [18,Б.334]. Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, бу ердаги савдо қўлдан-қўлга, хатто аравалардан туриб ҳам амалга оширилган. Иккинчи тур савдо эса бозорларда - усти ёпиқ дўконлар ва тимда олиб борилган. Бу ердаги моллар “анча инжиқроқ харидорлар” эҳтиёжини қондиришга қаратилган ва бирмунча қимматроқ сотилар эди. Учинчи тур савдо карвон-саройларда амалга оширилиб, бунда “энг қимматбаҳо ва энг яхши чет эл молларини” харид қилиш мумкин эди [19,Б.334]. Савдодаги ушбу ҳолатни Бухоро ва Қўқон хонликлари шаҳарлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Бозорлар ва майдонларда асосан чакана савдо амалга оширилган. Чакана савдо кундалик эҳтиёж моллари, кийим-бош, рўзгор ва хўжаликда кўплаб ишлатиладиган моллар билан амалга оширилган. Буни 1834 йил Тошҳовузда бўлган арман тилмочи Турпаевнинг қуйидаги сўзларидан ҳам кузатиш мумкин. “Мен Тошҳовузга келган куним бозор бўлди ва мен унга бордим; тўнлар, бўз, чит, қумоч, Хиванинг ипак газламалари, ёғоч, чорва ва буғдой сотилишини кўрдим. Савдогарларнинг ҳаммаси хиваликлардир”, – деб қайд этган эди у [20,Б.131].

Хоразмнинг турли марказларида қурол-аслаҳа, деҳқончилик қуроллари, икки филдиракли аравалар, эгарлар, от-анжомлари, кемалар, ёғоч, кўмир, туз, порох ва бошқалар билан ҳам чакана савдо амалга оширилганлиги XIX аср 70-йилларида М.Иванин қайд этиб ўтган эди [21,Б.56].

Айрим шаҳарларда йирик сармояларнинг йўқлиги туфайли уларда асосан савдонинг чакана тури кенг ривожланган эди. Бу борада турли манбаларда қайд этилган қарама-қарши фикрларни учратиш мумкин. Хоразм шаҳарларида бўлган кўплаб хорижий муаллифлар уларда ишлаб чиқариш ва савдонинг ҳажми деярли катта бўлмаганлигини қайд этадилар. Жумладан, Н.Муравьев “Хонлик аҳолиси бу бозорлардаги савдога ўз маҳсулотларининг ортиқчасини олиб борадилар, – деб ёзар экан, бу ерда сотилган маҳсулотлар “бошқа мамлакатларга олиб ке-

тилмаган ва Хиванинг ўзида тарқатилган; хиваликларнинг бойлиги ҳашамат ва даромадида эмас, балки ўз ички эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маҳсулотларнинг мўл-кўллигида эди”, — деб илова қилади [22,Б.89,91].

Шу билан бирга тарихий манбаларда айрим Хоразм шаҳарларининг улгуржи савдо амалга ошириладиган марказлар сифатидаги аҳамияти ҳам ортиб борганлигини тасдиқловчи маълумотлар ҳам мавжуд. Уларга кўра турли карвон йўллари тутшиб кетган ерларда жойлашган транзит ва ташқи савдо кенг ривожланган шаҳарлар айнан улгуржи савдо амалга ошириладиган марказлар сифатида шуҳрат қозонганлар. XIX аср бошларига келиб иқтисодий ҳаётнинг йирик марказига айланган, савдо имкониятлари жуда кенгайиб борган Янги Урганч улар жумласидан эди. У ҳақида ёзган XIX аср 20-йилларида Хоразмда бўлган Н.Муравьев “Бу шаҳар Хива шаҳридан анча каттадир ва бутун Хива савдосини ўзида мужассамлаштиргандир. Бу катта ва сераҳоли шаҳарнинг кўплаб дўконларида Шарқнинг серҳашам қимматбаҳо маҳсулотларини кўриш мумкин”, — деб алоҳида таъкидлаган эди [23,Б.32]. Йирик савдо маркази бўлган бу шаҳар улгуржи савдо маркази бўлганини Г.И. Данилевский ҳам тасдиқлаб “Бозор кунларида бу ерга улгуржи савдо учун пахта, рўян, тўнлар ва бўз келтирилади”, — деб ёзган эди. Шунингдек, у “Чет эллик савдогарлар бу ерда асосан молларни харид қилиш билан шуғулланганлар ва карвон билан орқага қайтганлар”, — деб қайд этган эди [24,Б.103]. Шаҳарда улгуржи савдонинг асосини ташкил этган ташқи савдо операциялари ва шартномалар тузиш, Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан фарқли ўлароқ, машҳур савдогарларнинг уйларида амалга оширилган. “Бундай сирлиликка маҳаллий аҳолининг эртага соғ ва талон-тарож этилмаган ҳолда уйғонишига ишончи йўқлиги сабабли риоя қилинади”, — деб қайд этган эди XIX а. муаллифи А.Кун [25,Б.249].

Шаҳарларда нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, балки турли ҳунармандчилик соҳаларининг тайёр маҳсулотлари, баъзан жуда майда маҳсулотлар билан ҳам улгуржи савдо амалга оширилган. Хусусан, темирчилар ясаган пичоқлар, бигиз кабилар шулар жумласига кирди. Савдогарлар, асосан майда олиб-сотарлар, маҳсулотларни катта ҳажмларда бозор нархига нисбатан анча арзон харид қилиб, шу соҳа самарадорлигининг ўсишига хизмат қилганлар.

Хоразмда, бошқа Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларида кузатилгани каби савдо, хусусан, чакана ва улгуржи савдони амалга оширишда турли пул бирликлари, узунлик ва оғирлик ўлчовларидан фойдала-

нилган. Шу билан бирга, савдо нафақат пулга сотиш, балки товарларни айирбошлаш йўли билан ҳам амалга оширилган. Тайёр маҳсулотлар кўп ҳолларда ип, ипак, жун калаваларга, тери ва металлга айирбошланган [26,Б.90]. Хусусан, Хива шаҳарларида ички савдо қисман нақд пулга сотиш йўли билан амалга оширилсада, бу борада асосан мол айирбошлаш анъаналари устун эди. Буни ҳатто XIX аср иккинчи ярмига оид маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Уларга кўра, хонлик шаҳарларидаги ички савдо аниқ бозор кунларида амалга оширилган. Бунда хом-ашёни ҳунармандчилик маҳсулотларига алмаштириш билан савдо қилинган[27,Б.122]. Н.Муравьев, хонликдаги ички савдода товар айирбошлаш устунлигининг сабабини қуйидагича изоҳлаб, “Хива ҳукмдори... хонликаги олтин ва кумушни олиб чиқиб кетилишини қатъий таъқиқлаб қўйган», савдогарлар “одатда, ўз савдоларини товар айирбошлаш билан амалга оширадилар”, – деб қайд этган эди[28,Б.96].

Шундай қилиб, XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразм тарихига оид турли тоифадаги манбаларда, хусусан, сўнгги ўрта асрларда бу давлат ҳудудида келган элчилар, ҳарбийлар, саёҳатчилар, савдогарлар ва турли шахслар томонидан улар тассуротларини ўзида акс эттирган “Сафарномалар”да акс этган мавжуд маълумотлар маҳаллий муаррихларнинг асарларидаги маълумотлар билан биргаликда хонлик ҳудудидаги ички, ташқи ва транзит савдонинг ҳолати, бу ерда савдо бошқа Ўрта Осиё хонликларидаги каби анъанавий тарзда ривожланганлиги, унинг хонликка хос бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абулғозий. Шажарайи турк /Нашрга тайёрловчилар Қ.Муниров, Қ. Маҳмудов. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 147-б. (Abulgazy. Shazharai Turk. – Tashkent: Cholpon, 1992 .-147- p.)

2. Фирдаус-ул-икбал // Материалы по истории туркмен и Туркмени. XVI-XIX вв. Иранские, бухарские и хивинские источники. Т. 2./ Под. ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П.П. Иванова. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1938. – С.370. (Firdaus-ul-ikbal // Materials on the history of Turkmen and Turkmenistan. XVI-XIX centuries Iranian, Bukhara and Khiva sources.Т. 2. / Under. ed. V.V. Struve, A.K. Borovkova, A.A. Romaskevich, P.P. Ivanova. - М.-L.: Ed. USSR Academy of Sciences, 1938 .– P. 370.)

3. Вактурская Н.Н. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. //Археологические и этнографические работы Хорезм. Экспедиции 1949-1953

гг. – Москва, 1958. – С. 486. (Vaktorskaya N.N. Excavations of the city of Urgench in 1952 // Archaeological and ethnographic works of Khorezm. Expeditions 1949-1953 - Moscow, 1958. – P. 486.)

4. Ўша ерда. – 488-б.

5. Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIXв. Исследования и описание документов с историческим введением. – Л.: Изд. АН СССР, 1940. – Тетрадь № 23. – С. 136. (Ivanov P.P. Archive of Khiva khans XIX century. Research and description of documents with historical introduction. - L. : Ed. USSR Academy of Sciences, 1940. - Notebook No. 23. – P. 136.)

6. Кун А. Культура оазиса низовьев Аму-Дарьи // Матер. для стат. Турк. края. – Спб., 1876. – Вып. IV. – С. 250. (Kun A. Culture of the oasis of the lower reaches of the Amu-Darya // Mater. for stat. Turk. the edges. - St. Petersburg, 1876. - Issue. IV. – P. 250.)

7. Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. – Тетрадь № 22. – С. 131. (Ivanov P.P. Archive of Khiva khans of the 19th century - Notebook No. 22. – P. 131.)

8. Муравьев Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. – М., 1822. – 179 с., Ч. 2. – С. 32. (Muravyov N.N. Travel to Turkmenistan and Khiva in 1819 and 1820 - M., 1822. - 179 p., Part 2. – P. 32.)

9. Кун А. Культура оазиса низовьев Аму-Дарьи. – С. 78. (Kun A. Culture of an oasis of the lower reaches of the Amu Darya. – P. 78.)

10. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – Москва: Наука, 1983. – С. 101. (Notes on the Bukhara Khanate (Reports by P.I. Demezov and I.V. Vitkevich). – Moscow: Nauka, 1983. –P. 101.)

11. Петровский Н. Моя поездка в Бухару. Путевые наблюдения и заметки. Ч.2. – Т., 1872. – С.236. (Petrovsky N. My trip to Bukhara. Travel observations and notes. Part 2. - T., 1872. –P. 236.)

12. Записки о Бухарском ханстве. – С. 81. (Notes on the Bukhara Khanate. – P. 81.)

13. Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву. – С. 92. (Muravyov N. Travel to Turkmenistan and Khiva. – P. 92.)

14. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Зап. Имп. Рус. Геогр. о-ва. – Спб, 1851. – Кн.5. – С.129. (Danilevsky G.I. Description of the Khiva Khanate // Zap. Imp. Rus Geo-island. - St. Petersburg, 1851. - Prince. 5. – P. 129.)

15. Иванов П.П. Архив хивинских ханов. – Тетрадь № 23. – С. 134. (Ivanov P.P. Archive of Khiva khans. - Notebook No. 23. – P. 134.)

16. Серебрянников А.Г. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания. 1844, 1845 и 1846 года. – Т. – 1914. – С. 113.

(Serebryannikov A.G. Turkestan region. A collection of materials for the history of his conquest. 1844, 1845 and 1846. - Т. - 1914 . – Р. 113.)

17. XIX аср Хива давлат хужжатлари. – Т. II – Тошкент: Фан, 1960. – 183-б. (Khiva state documents of the XIX century. - Т. II - Tashkent: Nauka, 1960. -183 p.)

18. Костенко Л. Город Хива в 1873 году // Турк. сборник. – Спб., 1879. Т. 82. – С. 334. (Kostenko L. The city of Khiva in 1873 // Turk. compilation. - SPb., 1879.V. 82 . –Р. 334.)

19. Ўша ерда.

20. Дневник переводчика армянина Турпаева посланного в 1834 г. – С. 131. (Diary of an Armenian translator Turpayev sent in 1834. – Р. 131.)

21. Иванин М.И. Хива и река Аму-Дарья. – СПб.: Обществ. Польза, 1873. – С. 56. (Ivanin M.I. Khiva and the Amu Darya River. - SPb .: Societies. Benefit, 1873 . –Р. 56.)

22. Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву. – С. 89, 91. (Muravyov N. Travel to Turkmenistan and Khiva. – Р . 89, 91.)

23. Ўша асар. – 32-б.

24. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства. – С. 103. (Danilevsky G.I. Description of the Khiva Khanate. – Р.103.)

25. Кун А. Культура оазиса низовьев Аму-Дарьи. – С. 249. (Kun A. Culture of an oasis of the lower reaches of the Amu Darya. – Р. 249.)

26. Турсунов Н.О. Развитие городских и сельских поселений северного Таджикистана в XVIII-начале XX в. – Душанбе: Дониш, 1991. – С. 90. (26. Tursunov N.O. The development of urban and rural settlements of northern Tajikistan in the XVIII-early XX centuries. - Dushanbe: Donish, 1991 . –Р. 90.)

27. Наши соседи в Средней Азии. Хива и Туркмения с большою картою // Турк. сборник. – Спб., 1871. – Т. 54. – С. 122. (Our neighbors in Central Asia. Khiva and Turkmenistan with a big card // Turk. compilation. - SPb., 1871. - Т. 54. – Р. 122.)

28. Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву. – С. 96. (Muravyov N. Travel to Turkmenistan and Khiva. – Р . 96).